



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 5 » июль

№ ПҚ–211

### Халқаро тараққиёт уюшмаси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида “Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида илғор хорижий технологияларни фаол жорий этиш, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, шунингдек, Жаҳон банки билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

#### 1. Қуйидагилар:

а) **2023 йил 1 июнда** Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро тараққиёт уюшмаси (кейинги ўринларда – ХТУ) ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (кейинги ўринларда – ХТТБ) ўртасида “**Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)**” лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) бўйича:

ХТУнинг **30 йил муддатга**, шу жумладан **5 йиллик** имтиёзли давр билан **150 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги қарзи;

ХТТБнинг **24,5 йил муддатга**, шу жумладан **4,5 йиллик** имтиёзли давр билан **90 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги кредити ажратилиши тўғрисида битимлар имзоланганлиги;

б) Лойиҳанинг умумий қиймати **323,78 миллион АҚШ доллари**га тенг эканлиги, улардан Ўзбекистон Республикасининг улуши – **83,78 миллион АҚШ доллари**ни, шу жумладан:

**40 миллион АҚШ доллари** эквивалентидаги маблағлар – Лойиҳа иштирокчилари (бенефициарлар)нинг улуши;

**43,78 миллион** АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар, шу жумладан солиқ ва божхона тўловлари шаклида – **28,63 миллион** АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш шаклида – **15,15 миллион** АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳанинг инвестицион давридаги молиявий харажатларни қоплашдаги улушини ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

## 2. Белгилансинки:

Лойиҳани амалга ошириш доирасида ҳосил бўладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари ҳисобидан тўланади ёки қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси Лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши, унинг мувофиқлаштирилиши ва бошқарилиши, шунингдек, Лойиҳани амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисобот юритилиши учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

кредит линиясини бошқариш, жалб қилинаётган маблағларнинг ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек, сублойиҳаларни амалга ошириш бўйича мониторинг ва ҳисоботни юритиш функциялари Лойиҳада иштирок этувчи Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларига юкланади;

Лойиҳани амалга ошириш даври **5 йилни** (2023–2028 йиллар) ташкил этади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига белгиланган тартибда Қўмита ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган ХТУ ҳамда ХТТБ иштирокида **“Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)”** лойиҳасини амалга ошириш гуруҳини ташкил этишга рухсат берилади;

Лойиҳани амалга ошириш даврида Лойиҳани амалга ошириш гуруҳининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвали ҳар йили Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилади.

## 3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Лойиҳада иштирок этувчи молия ташкилотларига кредитлар ўзбек сўмида ва АҚШ долларида тақдим этилади;

АҚШ долларига нисбатан ўзбек сўмининг валюта курси тебранишлари туфайли юзага келадиган харажатлар (кейинги ўринларда – валюта хатари) Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан қопланади;

Лойиҳа доирасида Лойиҳада иштирок этувчи молия ташкилотларига миллий валютада ажратиладиган кредитлар Марказий банкнинг асосий ставкасида ажратилади.

#### 4. Қўйидагилар:

**“Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)”** лойиҳаси техник-иқтисодий асосланишининг асосий техник-иқтисодий параметрлари **1-иловага** мувофиқ;

**“Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)”** лойиҳаси бўйича Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредити ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси қарзидан фойдаланиш схемаси **2-иловага** мувофиқ;

**“Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)”** лойиҳаси доирасида Халқаро тараққиёт уюшмасининг қарзидан фойдаланиш, уни қайтариш, комиссия ва фоиз тўловларини амалга ошириш прогноз графиги **3-иловага** мувофиқ;

**“Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)”** лойиҳаси доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг кредитидан фойдаланиш, уни қайтариш, комиссия ва фоиз тўловларини амалга ошириш прогноз графиги **3а-иловага** мувофиқ;

**“Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)”** лойиҳасини амалга ошириш бўйича **“Йўл харитаси”** **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси** раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига Лойиҳа доирасидаги тадбирларни самарали амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, ХТУ ва ХТТБ ҳамда миллий қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ тегишли ҳисоботлар ва ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланиши ва тақдим этилишини таъминлаш учун шахсий масъулият юклансин.

**6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** Ўзбекистон Республикаси номидан ХТУ ва ХТТБ томонидан ажратиладиган қарз ва кредитларни қайта кредитлаш тўғрисидаги битимларни имзолаш, шунингдек, зарур ҳолларда, ушбу битимларга Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда Лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари билан келишилган ҳолда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

**7.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк билан биргаликда **икки ой муддатда** “Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредити ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси қарздан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин. Бунда берилаётган қарз ва кредитни қайта молиялаштиришнинг аниқ тартиби, муддатлари ва шартлари, сублойиҳаларни танлаш мезонлари ва уларнинг баҳолари белгилаб қўйилсин.

**8.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** Лойиҳа доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳудудлар кесимида “йўл харита”ларини тасдиқласин.

**9.** Ҳисоб палатаси Лойиҳа доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

**10.** Коррупцияга қарши курашиш агентлиги:

Лойиҳа доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик, ошкоралик ҳамда шаффофликни таъминлаш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқсин ва жорий қилсин;

Лойиҳани амалга оширишда очиқлик, ошкоралик ҳамда шаффофликни таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатсин.

**11.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси Лойиҳа доирасида молиялаштирилган сублойиҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари ҳамда Лойиҳа бўйича ўзлаштирилган маблағлар ҳамда эришилган натижалар юзасидан **ҳар ярим йил якуни бўйича** Вазирлар Маҳкамаси ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳисобот киритиб борсин ҳамда ўзининг расмий веб-сайтида мунтазам эълон қилиб борсин.

**12.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси Б.Т. Норқобилов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 5 июлдаги ПҚ–211-сон қарорига  
1-илова

**“Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси  
техник-иқтисодий асосланишининг асосий техник-иқтисодий параметрлари**

Т/р	Кўрсаткич номланиши	Ўлчов бирлиги	Жами*	Шу жумладан қуйидагилар ҳисобидан:			
				ХТУ қарзи	ХТТБ кредити	Ўзбекистон Республикаси	Бенефициарларнинг ўз маблағлари
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати	минг АҚШ долл.	<b>323 778,49</b>	<b>150 000</b>	<b>90 000</b>	<b>43 778,49</b>	<b>40 000</b>
2.	Капитал қўйилмалар суммаси, жами	минг АҚШ долл.	<b>308 628,68</b>	<b>150 000</b>	<b>90 000</b>	<b>28 628,68</b>	<b>40 000</b>
	<i>шу жумладан:</i>						
2.1.	1-компонент. “Чорвачилик соҳасида давлат хизматларини кучайтириш”	минг АҚШ долл.	<b>38 673,77</b>	34 500		4 173,77	
2.2.	2-компонент. “Бозор ва қўшилган қиймат инфратузилмасини мустаҳкамлаш, савдони осонлаштириш”	минг АҚШ долл.	<b>44 871,21</b>	40 000		4 871,21	
2.3.	3-компонент. “Яшил ва иқлимга чидамли чорвачилик қиймат занжирлари”	минг АҚШ долл.	<b>179 760</b>	70 500	90 000	19 260	40 000
2.4.	4-компонент. “Лойиҳани бошқариш ва мувофиқлаштириш”	минг АҚШ долл.	<b>4 070,08</b>	3 880,70		189,38	
2.5.	Тақсимланмаган маблағ	минг АҚШ долл.	<b>1 253,62</b>	1 119,30		134,32	
3.	Инвестиция давридаги молиявий сарф-харажатлар	минг АҚШ долл.	<b>15 149,81</b>			<b>15 149,81</b>	

*\*Товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш бўйича якуний қиймат кўрсаткичлари мукамал лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиши натижалари бўйича ўтказилган тендер (танлов) савдоларига кўра белгиланади.*

**“Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси бўйича Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредити  
ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси қарзидан фойдаланиш  
СХЕМАСИ**

Т/р	Компонент ва кичик компонентлар	Жами	ХТУ қарзи суммаси	ХТТБ кредит суммаси	Қарз ва кредитнинг қайтарилиши			
					Давлат бюджетидан		Лойиҳа иштирокчилари томонидан	
<b>1.</b>	<b>1-компонент. “Чорвачилик соҳасида давлат хизматларини кучайтириш” (34,5 млн долл.)</b>							
1.1.	1.1-кичик компонент. “Қулай муҳитни яхшилаш”	500	500		500	100%		
1.2.	1.2-кичик компонент. “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасини қўллаб-қувватлаш”	13 000	13 000		13 000	100%		
1.3.	1.3-кичик компонент. “Чорвачилик соҳасида давлат маслаҳат хизматларини кучайтириш”	6 000	6 000		6 000	100%		
1.4.	1.4-кичик компонент. “Чорвачилик соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш”	15 000	15 000		15 000	100%		
<b>2.</b>	<b>2-компонент. “Бозор ва қўшилган қиймат инфратузилмасини мустаҳкамлаш, савдони осонлаштириш” (40 млн долл.)</b>							
2.1.	2.1-кичик компонент. “Чорвачилик бозори ва қўшилган қиймат инфратузилмасини мустаҳкамлаш”	2 000	2 000		2 000	100%		
2.2.	2.2-кичик компонент. “Чегара хавфсизлиги ва карантин чораларини кучайтириш”	5 000	5 000		5 000	100%		
2.3.	2.3-кичик компонент. “Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тизимини жорий этиш”	33 000	33 000		33 000	100%		
<b>3.</b>	<b>3-компонент. “Яшил ва иқлимга чидамли чорвачилик қиймат занжирлари” (160,5 млн долл.)</b>							
3.1.	3.1-кичик компонент. “Чорвачилик тармоғидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари учун кредит линиялари”	159 775	70 000	89 775			159 775	100%

3.1.1.	ХТТБ кредити бўйича бир марталик тўлов комиссияси	225		225			225	100%
3.2.	<b>3.2-кичик компонент.</b> “Иштирок этувчи молиявий корхоналарнинг салоҳиятини ошириш”	500	500				500	100%
4.	<b>4-компонент.</b> “Лойиҳани бошқариш ва мувофиқлаштириш”	3 880,70	3 880,70		3 880,70	100%		
5.	<b>Тақсимланмаган маблағ</b>	1 119,30	1 119,30		1 119,30	100%		
	<b>Жами</b>	<b>240 000</b>	<b>150 000</b>	<b>90 000</b>	<b>79 500</b>	<b>33,1%</b>	<b>160 500</b>	<b>66,9%</b>



**“Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси доирасида  
Халқаро тараққиёт уюшмасининг қарзидан фойдаланиш, уни қайтариш,  
комиссия ва фоиз тўловларини амалга ошириш  
ПРОГНОЗ ГРАФИГИ\***

Кредит миқдори	– 150 000 000 АҚШ доллари
Кредит муддати	– 30 йил
Имтиёзли давр	– 5 йил
Фоиз ставкаси	– 1,25 фоиз + тўғрилаш ставкаси (ҳисоб-китоб бўйича 1,38 фоиз)
Хизмат кўрсатганлик учун тўлов	– 0,75 фоиз + тўғрилаш ставкаси (ҳисоб-китоб бўйича 1,32 фоиз)
Захирага қўйиш учун комиссия тўлови	– ўзлаштирилмаган суммадан 0,50 фоиз

*АҚШ доллари*

Тўлов санаси	Асосий қарз бўйича тўловлар суммаси	Фоиз суммаси	Хизмат кўрсатганлик учун тўловлар суммаси	Захирага қўйиш учун комиссия	Жами тўланадиган сумма
15.09.2023		0	0	375 000	375 000
15.03.2024		86 350	90 270	342 290	518 910
15.09.2024		201 290	210 440	298 750	710 480
15.03.2025		316 230	330 610	255 220	902 060
15.09.2025		526 610	550 550	175 530	1 252 690
15.03.2026		737 000	770 500	95 840	1 603 340
15.09.2026		842 820	881 130	55 750	1 779 700
15.03.2027		948 650	991 770	15 660	1 956 080
15.09.2027		990 000	1 035 000		2 025 000
15.03.2028		990 000	1 035 000		2 025 000
15.09.2028	2 475 000	990 000	1 035 000		4 500 000
15.03.2029	2 475 000	973 670	1 017 920		4 466 590
15.09.2029	2 475 000	957 330	1 000 850		4 433 180
15.03.2030	2 475 000	941 000	983 770		4 399 770
15.09.2030	2 475 000	924 660	966 690		4 366 350
15.03.2031	2 475 000	908 330	949 610		4 332 940
15.09.2031	2 475 000	891 990	932 540		4 299 530
15.03.2032	2 475 000	875 660	915 460		4 266 120
15.09.2032	2 475 000	859 320	898 380		4 232 700
15.03.2033	2 475 000	842 990	881 300		4 199 290
15.09.2033	2 475 000	826 650	864 230		4 165 880
15.03.2034	2 475 000	810 320	847 150		4 132 470
15.09.2034	2 475 000	793 980	830 070		4 099 050
15.03.2035	2 475 000	777 650	812 990		4 065 640
15.09.2035	2 475 000	761 310	795 920		4 032 230

15.03.2036	2 475 000	744 980	778 840		3 998 820
15.09.2036	2 475 000	728 640	761 760		3 965 400
15.03.2037	2 475 000	712 310	744 680		3 931 990
15.09.2037	2 475 000	695 970	727 610		3 898 580
15.03.2038	2 475 000	679 640	710 530		3 865 170
15.09.2038	2 475 000	663 300	693 450		3 831 750
15.03.2039	2 475 000	646 970	676 370		3 798 340
15.09.2039	2 475 000	630 630	659 300		3 764 930
15.03.2040	2 475 000	614 300	642 220		3 731 520
15.09.2040	2 475 000	597 960	625 140		3 698 100
15.03.2041	2 475 000	581 630	608 060		3 664 690
15.09.2041	2 475 000	565 290	590 990		3 631 280
15.03.2042	2 475 000	548 960	573 910		3 597 870
15.09.2042	2 475 000	532 620	556 830		3 564 450
15.03.2043	2 475 000	516 290	539 750		3 531 040
15.09.2043	2 475 000	499 950	522 680		3 497 630
15.03.2044	2 475 000	483 620	505 600		3 464 220
15.09.2044	2 475 000	467 280	488 520		3 430 800
15.03.2045	2 475 000	450 950	471 440		3 397 390
15.09.2045	2 475 000	434 610	454 370		3 363 980
15.03.2046	2 475 000	418 280	437 290		3 330 570
15.09.2046	2 475 000	401 940	420 210		3 297 150
15.03.2047	2 475 000	385 610	403 130		3 263 740
15.09.2047	2 475 000	369 270	386 060		3 230 330
15.03.2048	2 475 000	352 940	368 980		3 196 920
15.09.2048	5 100 000	336 600	351 900		5 788 500
15.03.2049	5 100 000	302 940	316 710		5 719 650
15.09.2049	5 100 000	269 280	281 520		5 650 800
15.03.2050	5 100 000	235 620	246 330		5 581 950
15.09.2050	5 100 000	201 960	211 140		5 513 100
15.03.2051	5 100 000	168 300	175 950		5 444 250
15.09.2051	5 100 000	134 640	140 760		5 375 400
15.03.2052	5 100 000	100 980	105 570		5 306 550
15.09.2052	5 100 000	67 320	70 380		5 237 700
15.03.2053	5 100 000	33 660	35 190		5 168 850
<b>Жами</b>	<b>150 000 000</b>	<b>34 349 050</b>	<b>35 910 320</b>	<b>1 614 040</b>	<b>221 873 410</b>

\* Тўлов суммалари ХТУ қарз маблағларининг амалдаги ўзлаштирилишига қараб аниқлаштириб борилади.

**“Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси доирасида  
Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг кредитидан фойдаланиш,  
уни қайтариш, комиссия ва фоиз тўловларини амалга ошириш  
ПРОГНОЗ ГРАФИГИ\***

Қарз миқдори	– 90 000 000 АҚШ доллари
Қарз муддати	– 24,5 йил
Имтиёзли давр	– 4,5 йил
Фоиз ставкаси	– SOFR + ўзгарувчан спред ставкаси (ҳисоб-китоб бўйича 6,22 фоиз)
Захирага қўйиш учун комиссия тўлови	– ўзлаштирилмаган суммадан 0,25 фоиз
Бир марталик бошланғич тўлов**	– қарз суммасидан 0,25 фоиз

АҚШ доллари

Тўлов санаси	Асосий қарз бўйича тўловлар суммаси	Фоиз суммаси	Захирага қўйиш учун комиссия тўлови	Бир марталик бошланғич тўлов	Жами тўланадиган сумма
15.09.2023		-	112 500	225 000	112 500
15.03.2024		332 010	99 110		431 120
15.09.2024		680 760	85 050		765 810
15.03.2025		1 029 510	70 990		1 100 500
15.09.2025		1 517 760	51 300		1 569 060
15.03.2026		2 006 010	31 610		2 037 620
15.09.2026		2 398 010	15 810		2 413 820
15.03.2027		2 790 000			2 790 000
15.09.2027		2 790 000			2 790 000
15.03.2028	2 250 000	2 790 000			5 040 000
15.09.2028	2 250 000	2 720 250			4 970 250
15.03.2029	2 250 000	2 650 500			4 900 500
15.09.2029	2 250 000	2 580 750			4 830 750
15.03.2030	2 250 000	2 511 000			4 761 000
15.09.2030	2 250 000	2 441 250			4 691 250
15.03.2031	2 250 000	2 371 500			4 621 500
15.09.2031	2 250 000	2 301 750			4 551 750
15.03.2032	2 250 000	2 232 000			4 482 000
15.09.2032	2 250 000	2 162 250			4 412 250
15.03.2033	2 250 000	2 092 500			4 342 500
15.09.2033	2 250 000	2 022 750			4 272 750
15.03.2034	2 250 000	1 953 000			4 203 000
15.09.2034	2 250 000	1 883 250			4 133 250
15.03.2035	2 250 000	1 813 500			4 063 500
15.09.2035	2 250 000	1 743 750			3 993 750
15.03.2036	2 250 000	1 674 000			3 924 000

15.09.2036	2 250 000	1 604 250			3 854 250
15.03.2037	2 250 000	1 534 500			3 784 500
15.09.2037	2 250 000	1 464 750			3 714 750
15.03.2038	2 250 000	1 395 000			3 645 000
15.09.2038	2 250 000	1 325 250			3 575 250
15.03.2039	2 250 000	1 255 500			3 505 500
15.09.2039	2 250 000	1 185 750			3 435 750
15.03.2040	2 250 000	1 116 000			3 366 000
15.09.2040	2 250 000	1 046 250			3 296 250
15.03.2041	2 250 000	976 500			3 226 500
15.09.2041	2 250 000	906 750			3 156 750
15.03.2042	2 250 000	837 000			3 087 000
15.09.2042	2 250 000	767 250			3 017 250
15.03.2043	2 250 000	697 500			2 947 500
15.09.2043	2 250 000	627 750			2 877 750
15.03.2044	2 250 000	558 000			2 808 000
15.09.2044	2 250 000	488 250			2 738 250
15.03.2045	2 250 000	418 500			2 668 500
15.09.2045	2 250 000	348 750			2 598 750
15.03.2046	2 250 000	279 000			2 529 000
15.09.2046	2 250 000	209 250			2 459 250
15.03.2047	2 250 000	139 500			2 389 500
15.09.2047	2 250 000	69 750			2 319 750
<b>Жами</b>	<b>90 000 000</b>	<b>70 739 060</b>	<b>466 370</b>	<b>225 000</b>	<b>161 205 430</b>

\* Тўлов суммалари ХТТБ кредит маблағларининг амалдаги ўзлаштирилишига қараб аниқлаштириб борилади.

\*\* Кредит ҳисобидан тўланади ва асосий қарзга капитализация қилинади.

**“Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳасини амалга ошириш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбир номи	Кредит суммаси (минг долл.)	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Чорвачилик соҳасида давлат хизматларини кўчатириш</b> (Масъуллар: Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Б. Норқобилов))					
1.	<p>Ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги илмий тадқиқот институтлари фаолиятини тубдан ислоҳ этиш. Бунда, <b>5 та</b> таълим ва <b>5 та</b> илмий-тадқиқот муассасаси таъмирланиб, лабораториялар билан таъминланади:</p> <p><b>1.</b> Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети;</p> <p><b>2.</b> Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали;</p> <p><b>3.</b> Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали;</p> <p><b>4.</b> Ветеринария илмий-тадқиқот институти;</p> <p><b>5.</b> Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти;</p> <p><b>6.</b> Балиқчилик илмий-тадқиқот институти;</p> <p><b>7.</b> Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти;</p>	15 000	<p><b>1.</b> Қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун:</p> <p>бинонинг дизайни ва лойиҳалаш ишларини амалга ошириш;</p> <p>зарурий инфратузилма, хусусан газ, электр энергияси, сув билан таъминлаш ҳамда интернет учун оптик линияли алоқа каналларига уланиш;</p> <p>қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш.</p> <p><b>2.</b> Лаборатория жиҳозлари ва ускуналар учун техник талабномаларни ишлаб чиқиш ва тендер тадбирларини амалга ошириш.</p>	2023–2025 йиллар	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Норқобилов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар

	<p><b>8.</b> Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти Оҳангарон филиали;</p> <p><b>9.</b> Марҳамат ветеринария техникуми;</p> <p><b>10.</b> Самарқанд ветеринария техникуми.</p>				
2.	<p>Ветеринария хизмати муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. Бунда:</p> <p><b>1. 500 та</b> ветеринария участкаси учун контейнер типдаги офис ўрнатиш ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш;</p> <p><b>2.</b> Ветеринария дори воситалари ва вакцина сақлаш учун <b>“Совуқ занжир”</b> тизимини яхшилаш:</p> <p><b>14 дона 5 тонналик</b> совиткич;</p> <p><b>190 та 1 тонналик</b> совиткич;</p> <p><b>696 дона</b> маиший совиткичлар харид қилиб ўрнатиш;</p> <p><b>3.</b> Вилоят ва туман ҳайвонлар соғлигини муҳофаза қилиш бўлимларини:</p> <p><b>180 дона</b> махсус автотранспорт воситаси;</p> <p><b>209 комплект</b> компьютер ва оргтехника жиҳозлари билан таъминлаш;</p> <p><b>4. 6 та ҳудудий диагностика лабораторияларига</b> кимёвий моддалар, дори воситалари ва оғир металл тузлари қолдиғини аниқлайдиган лаборатория ускунасини ўрнатиш (газохроматограф);</p> <p><b>5.</b> Фарғона водийсида ҳамда Тошкент, Қашқадарё, Хоразм ва Самарқанд вилоятларида ҳайвонлар озуқасини таҳлил қилувчи лаборатория ташкил этиш.</p>	13 000	<p><b>1.</b> Ветеринария участкаларини ўрнатиш учун:</p> <p>участканинг дизайни ва лойиҳалаш ишларини амалга ошириш;</p> <p>зарур инфратузилма билан таъминлаш;</p> <p>қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш.</p> <p><b>2.</b> Лаборатория жиҳозлари ва ускуналар учун техник талабномаларни ишлаб чиқиш ва тендер тадбирларини амалга ошириш.</p> <p><b>3.</b> Зарурий жиҳозларни сотиб олиш ва ўрнатиш ишларини амалга ошириш.</p>	2023–2025 йиллар	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Норқобилов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари

3.	<p>Чорвачиликда маслаҳат хизматларини кучайтириш. Хусусан: ҳар бир вилоятда <b>фермер хўжаликлари ва аҳоли учун чорвачилик маслаҳат марказлари</b> ташкил этиш; <b>5 йил</b> давомида аҳоли ва фермер хўжаликлар учун чорвачилик комплексларида, Қишлоқ хўжалигида агрохизматлар марказида, Ветеринария бўлинма ва илмий-тадқиқот институтларда халқаро консултантлар иштирокида семинар-тренинглари ташкил этиш.</p>	6 000	<p><b>1.</b> Халқаро консултантларни жалб этиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқиш ва тендер тадбирларини амалга ошириш. <b>2.</b> Ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқларда чорвачилик ва ветеринария бўйича илмий-амалий ўқув семинарларни амалга ошириш графигини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>	2023–2028 йиллар	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Норқобилов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
4.	<p>Халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ветеринария соҳасидаги норматив ҳужжатларни <b>Жаҳон савдо ташкилотининг (ЖСТ)</b> талабларига ҳамда <b>Жаҳон ҳайвонлар соғлиғи ташкилоти (ЖҲСТ)</b> меъёрларига мувофиқлаштириш.</p>	500	<p><b>1.</b> Халқаро консултантларни жалб этиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқиш ва тендер тадбирларини амалга ошириш. <b>2.</b> Амалдаги қонун ҳужжатларини (шу жумладан кўрсатмалар ва қоидаларни) тўлиқ экспертизадан ўтказиш. <b>3.</b> ЖҲСТ мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш/қайта кўриб чиқиш. <b>4.</b> Ҳайвонлар саломатлиги қоидаларини ишлаб чиқиш (Ягона саломатлик стратегиясидан фойдаланган ҳолда).</p>	2023–2025 йиллар	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Норқобилов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
<p><b>II. Бозор ва қўшилган қиймат инфратузилмасини мустаҳкамлаш, савдони осонлаштириш</b> (<i>Масъуллар: Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Б. Норқобилов)</i>)</p>					
5.	<p>Чорва ҳайвонлари идентификация тизимини жорий этиш. Жумладан: Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси қошида ҳайвонларни идентификация қилиш марказини ташкил этиш;</p>	35 000	<p><b>1.</b> Идентификация дастурий таъминотини яратиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқиш ва тендер тадбирларини амалга ошириш.</p>	2023–2026 йиллар	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Норқобилов),

	идентификация қилинган чорва моллари (аҳоли учун бепул қилинади) рўйхатини ўз ичига олган электрон платформа яратиш; унга кушхона ва мол бозорларини интеграция қилиш.		<p><b>2.</b> Чорва ҳайвонларини биркалаш ва рўйхатга олиш бўйича зарурий жиҳозлар (қулоқ биркалари, тақиш ускунаси, планшетлар ва бошқалар) учун техник топшириқни ишлаб чиқиш ва тендер тадбирларини амалга ошириш.</p> <p><b>3.</b> Мавжуд мол бозорлар ва кушхоналар рўйхатини шакллантириб, идентификация платформасига интеграция қилиш.</p>		Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар
6.	<p>Чегара хавфсизлиги ва карантин чораларини кучайтириш. Хусусан:</p> <p><b>5 та</b> божхона терминалини <b>замонавий лаборатория жиҳозлари ва ускуналари</b>, компьютер ва оргтехника билан таъминлаш;</p> <p>Четдан импорт қилинадиган чорва ҳайвонларини карантинда сақлаш учун <b>500 бошга</b> мўлжалланган <b>4 та</b> карантин фермасини ташкил этиш;</p> <p><b>8 та</b> республика ҳудудидаги вилоятлараро чегара постларидаги <b>“Карантин назорат маскани”</b>ларини чорва ҳайвонларини кузатиш ва <b>назорат қилиш учун</b> зарур асбоб-ускуна билан таъминлаш.</p>	5 000	<p><b>1.</b> Карантин фермалар ташкил этиш учун:</p> <p>ферманинг дизайни ва лойиҳалаш ишларини амалга ошириш;</p> <p>зарурий инфратузилма билан таъминлаш;</p> <p>қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш.</p> <p><b>2.</b> Лаборатория жиҳозлари ва ускуналар учун техник талабномаларни ишлаб чиқиш ва тендер тадбирларини амалга ошириш.</p> <p><b>3.</b> Зарурий жиҳозларни сотиб олиш ва ўрнатиш ишларини амалга ошириш.</p>	2023–2025 йиллар	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Норқобилов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар
<p><b>III. Яшил ва иқлимга чидамли чорвачилик қиймат занжирларини яратиш (Кредит линияси)</b> (Масъуллар: Марказий банк (Б.Хамраев), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (С. Хамидов))</p>					
7.	Йирик чорвачилик (ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш) корхоналари, ем ишлаб чиқарувчи корхоналар учун <b>3 млн</b> долларгача кредитлар ажратиш; деҳқон хўжаликлари учун <b>50 минг</b> долларгача кредитлар ажратиш.	160 500	<b>1.</b> Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредити (ХТТБ) ва Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ) қарзидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2023 йил октябрь	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Норқобилов),



		<p>2. ХТБ ва ХТУ томонидан ажратиладиган кредит ва қарзларни қайта кредитлаш тўғрисидаги битимларини имзолаш.</p> <p>3. Жаҳон банки талабларига асосан ташаббускорларнинг сублойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Тижорат банклари томонидан маъқулланган сублойиҳалар ҳужжатларини Қўмига тақдим этиш.</p> <p>5. Жаҳон банки талабларига асосан сублойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш ва молиялаштириш.</p> <p>6. Лойиҳанинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>Лойиҳани амалга ошириш даврида</p> <p>Доимий</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари</p>
--	--	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

